

СУГУРТА СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Гулбоев Улугбек Исломович

Мустақил тадқиқотчи

Аннотация: сугурта компанияларининг сугурта маҳсулотларини сотиши ва иқтисодиётни рақамлаштириши шароитида янги технологиялардан фойдаланиш бўйича инновацион фаолияти ҳозирги кунда муҳим аҳамият касб этади, бу ўз навбатида сугурта бизнесининг мижозларга йўналтирилган моделини жорий этишида уларни янада такомиллаштириши имконини берди.

Калим сўзлар: сугурта, сугурта маҳсулоти, сугурта хизмати, инновацион сугурта фаолияти, рақамли сугурта.

Суғурта бозорининг ривожланиши унинг аҳоли қатламларига кириб бориши, суғурта операцияларининг жадаллашиши кўп жихат суғурта компаниялари томонидан суғурталанувчиларга кўрсатиладиган суғурта хизматларининг сифати ва кўлами, мамлакатдаги иқтисодий жараёнларнинг барқарорлигига, аҳолининг суғурта маданияти ва доромадларига, шунингдек суғурта институтига бўлган ишонч даражасига боғлиқдир. Анъанавий суғурта хизматларини такомиллаштириш ва суғурталагувчилар манфаатларини ҳимоя қилишининг янги механизмларини, рақобатбардош суғурта маҳсулотларини жорий этилиши суғурта соҳасини жадал ривожланишига туртки бўлиши мумкин. Суғурта бизнесини ривожлантиришнинг муваффақиятли моделини шакллантириш асосан замонавий инновацион суғурта технологиялари ва маҳсулотларини жорий этиш билан белгиланади

Суғуртанинг инновацион асосда ривожланишига тўсқинлик қилаётган муаммолардан бири бу суғурталанувчилар томонидан суғурта маҳсулотларини ўз маблағларини жамлаш ва ҳимоя қилишининг самарали воситаси сифатида фойдаланиш тўғрисида қарор қабул қилишда етарли

даражада малакасизлигидир.

Шуни таъкидлаш жоизки, сугурта бозорининг ривожланиши учун инновацион ечимларни излаш, компанияларининг сугурта маҳсулотларини рақамли иқтисодиёт шароитида тақдим этишларининг инновацион ёндашувларига боғлиқдир.

Сугурта соҳасини инновацион ривожлантириш бу сугурта компаниялари томонидан тақдим этилаётган сугурта маҳсулотларининг кераклилик, зарурлилик, истеъмолнинг нафлилиқ даражасини оширишдан иборат эканлигини кўплаб тадқиқотлар кўрсатиб турибти А.Н.Зубец ва А.Д.Лебедева [1], Н.Е.Саввина [2], И.Э.Шинкаренко [3]. Бунда компания асосий фаолиятини маҳсулотга эмас, балки мижозга қаратиши ва унинг эҳтиёжларини биринчи ўринга кўйиши муҳимги таъкидланмоқда ва бунинг асосида мижозга йўналтирилган фаолият компаниянинг асосий фаолиятига айланиши муҳимдир.

Мижозлага қаратилган фаолият сугурта маҳсулотларининг сифат ва таркибига юқори талабларни назарда тутади.

Сугурта маҳсулоти – бу сугурталанувчининг мулкий манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, шартномада белгиланган ва сугурта ҳодисаси юз берганда сугурта компаниясининг тегишли кафолатлари билан қўллаб-куватланадиган, сугурталанувчига қўлай шароитларда ва унинг ҳоших истакларини ҳисобга олган ҳолда анъанавий ва рақамли сотиш каналлари орқали амалга ошириладиган хизматдир.

Сугурта маҳсулотларинг ҳозирги таснифи сугурта маҳсулотларини сугурта компанияси позициясидан тизимлаштиришни ўз ичига олади, биринчидан, истеъмолчилар талабига қараб, иккинчидан, сугурта компаниясининг даромадларини максимал даражада ошириш нуқтаи назаридан.

Сугурта фаолиятини ташкил этишининг инновацион ёндашуви сугурталанувчининг манфаатларини, унинг сугурта ҳимоясига бўлган эҳтиёжларини ҳисобга оладиган ёндашувни белгилайди.

Мижозларга йўналтирилган сұғурта фаолият модели нафақат инновацион маҳсулотлар сотиши каналларини таъминлабгина қолмай, балки сұғурталанувчиларга сұғурта маҳсулотларини сотиб олишнинг анъанавий ёндашувларидан ҳам фойдаланиш имконини бериш керак. Сабаби бугунги кунда вақт ўтиши билан енгиб ўтиладиган тўсиқлар мавжуд: сұғурта компаниялари ва рақамли хизматларга ишончнинг паст даражаси (субъектив), интернет тезлиги ва айрим жойларда барқарор мобил алоқанинг йўқлиги (техник), ўрта ва ундан катта ёшдаги аҳолининг катта қисмининг рақамли мухитда ишлашга тайёр эмаслиги, сұғуртанинг ҳудудлар бўйича номутаносиблиги (ташкилий).

Сұғурта соҳасидаги долзарб ва самарали инновациялар – бу янги технологиялар ва савдо каналлари, рақамли технологиялардан фаол фойдаланиш ва масофадан тўриб ишлаш тизимлари ҳисобланади. Яқин келажакда хорижда сунъий интеллект ва биометрик технологиялардан фойдаланиш амалиётини кузатишимиш мумкин бўлади.

Шундай қилиб миллий сұғурта бозорига инновацияларни киритиш ва ривожлантириш йўналишларини таҳли қиласиган бўлсак, яқин келажакда сұғурталанувчиларни жалб қилишда сұғурта компанияларининг индивидуал (шахсий) таклифлари ошиб боради. Шунга кўра, потенциал сұғурталанувчиларга шахсий таклифларни шакллантириш учун мўлжалланган Big Data технологияларига эътибор қаратиш лозим. Иккинчидан блокчайн (blockchain) технологияларидан фойдаланиш турли хил ресурсларни яхлитлиқда бирлаштиришга имкон беради (масалан, универсал электрон сұғурта картаси), бу сұғурталанувчиларининг барча ҳужжатларини битта жойда сақлаши (полис, паспорт ва тех паспорт, турли гувоҳномалар, тиббий кассаллик картаси ва бошқалар) ва улардан бир неча маротоба фойдаланиш ва сұғурталган шахсни индентификациялаш нафақат сұғурталаш жараёнларини тезлаштиришга, балки даъволарни қондириш жараёнини соддалаштириш, шунингдек транзацияларининг шаффошлиги туфайли фирибгарликни олдини олишни осонлаштиради.

Суғурта бозоридаги инновацион жараёнларни ўрганиш, уларни жорий этишни тезлаштириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади, ушбу жарапёнларни тўғри ташкил этишда қўйида йўналишларда фаолиятларни олиб бориш керак:

1) Суғурта компаниялариниг инновацион фаолити бу мижозларга йўналтирилган суғурта бизнес моделига ўтишни, суғурта бизнесини рақамлаштириш, инновацион маҳсулотларни жорий этиш, суғурта маҳсулотларини сотишда интернет технологиялардан, янги сотиш каналларидан ва суғурта даъволарини кўриб чиқиш ва қоплаш бўйича янги усуслардан фойдаланишини назарда тутади.

2) Суғуртанни инновацион ривожланитиришга тўсқинлик қилувчи асосий омиллар аниқланганлигини ҳисобга олган ҳолда бу йўналишларда ишларни жадаллаштириш, улар қўйидагилардан иборат:

– Объектив ташкилий ва техник (интернеттезлиги, унга кириш ва сифати, мобил алоқа, мижозларнинг смартфонлардан фойдаланиш имконияти, рақамли технологиялардан фойдаланиш учун планшет ва мобил мосламаларнинг мавжудлиги);

– Субъектив (суғурта компанияларининг чекланган инновацион таклифлари, суғурта компаниясига бўлган ишончнинг паст даражаси, аҳолининг молиявий саводхонлиги ва молиявий қарорларни қабул қилишдаги малакалари, шаклланмаган суғурта маданияти, суғурталанувчиларнинг анъанавий маҳсулотлар ва сотиш каналларига содиқлиги).

3) Суғурта бозоирининг янада ривожланиши кўпроқ даражада суғурта маҳсулотларини сотиб олиш ва суғурта даъволарини ҳал қилиш бўйича шахсий таклифларни тақдим этишга қаратилган рақамли хизматларни фаоллаштириш билан боғлиқдир.

4) Шу жумладан блокчейн технологиялари, Big Data, теле технологиялардан фойдаланишга боғлиқдир.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. Зубец А.Н., Лебедева А.Д. Инновации на российском страховом рынке // Финансы. – № 6. 2013 г. – с. 55-58.
2. Саввина Н.Е. Инновации в российском страховании: мода или необходимость? // Вестник Финансового университета. – № 6. 2014г. – с. 74-83.
3. Шинкаренко И.Э. Разработка страховых продуктов // Организация продаж страховых продуктов. – № 4. 2009 г.